



**Tadqiqot** UZ

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

**2020**

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**№20**  
30 сентябрь

**conferences.uz**

**ФАРМАЦЕВТИКА**

**1. Нусратова Нозима Назруллоевна, Фозилжанова Малика Шухратжановна**  
**“ГОДЖИ” КАПСУЛАСИНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ..... 7**





## ФАРМАЦЕВТИКА

### “ГОДЖИ” КАПСУЛАСИНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ

*Нусратова Нозима Назруллоевна*  
Ассистент, Тошкент фармацевтика институти  
Телефон: +998(90)9779806  
[malikapharmi@mail.ru](mailto:malikapharmi@mail.ru)

*Фозилжанова Малика Шухратджановна*  
ф.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти  
Телефон: +998(97)4414182  
[malikapharmi@mail.ru](mailto:malikapharmi@mail.ru)

**Аннотация.** Ўсимлик хомашёларидан олинган препаратларни стандартлаштиришда замонавий фармацевтика фанларининг долзарб ва муҳим вазифаларидан ҳисобланиб, ушбу соҳа мутахассисларидан синчковлик ва тажрибаларни таҳлил қилишни талаб қилади.

**Калит сўзлар.** Курук экстракт, Годжи меваси, капсула дори шакли, полисахаридлар, ўртача оғирлик, технология.

Таъсир этувчи модда ва дори препаратини сифатини тасдиқлашда уларнинг сифат кўрсаткичлари ва синов усуллари меъёрий ҳужжатларда тасдиқланган бўлади. Дори воситаларини хавфсизлиги ва самарадорлигини таъминлаш учун сифат усулларида самарали фойдаланилади.

Капсулалар сифатини назорат қилишнинг асосий кўрсаткичларига уларнинг ташқи кўриниши, ўртача масса ва ундан четланишни аниқлаш, парчаланиши, эриши, намлиги, дозанинг бир хиллиги, миқдорий таркиби ва микробиологик тозаллиги кабилар киради. Годжи ўсимлиги биологик фаол моддаларга, жумладан полисахаридларга жуда бой. Мазкур ўсимликни илмий тиббиётга тадбиқ этиш учун уни ҳар томонлама (кимёвий таркиби, асосий таъсир қилувчи моддалари, чинлик ва сифат мезонларини) ўрганиш ва ундан самарали дори турини яратиш мақсадида фитокимёвий таҳлил қилинди. Бунинг учун Годжи курук экстракти таркибидаги асосий биологик фаол моддалари – полисахаридлар миқдорини аниқлаш ушбу изланишни асосий мақсади қилиб белгиланди.

Полисахаридлар миқдори сувли ажратмалардан спирт билан чўктириш усулида аниқланди. Бунинг учун Годжи курук экстрактдан сувли ажратма тайёрланиб 10 дақиқа давомида 5000 айл/дақ тезликда центрифугалаб, сув билан намланган 5 қават дока солинган диаметри 6 мм бўлган шиша варонка орқали ўлчов колбасига филтрлаб олинди. Филтр сув билан ювилиб, ажратма ҳажмли колба белгисигача келтирилди (А эритма).

25 мл А эритмани центрифуга колбасига қуйиб, 75 мл 95% спирт қўшилди ва аралаштириб, сув хаммомида 60° С ҳароратда 5 дақиқа давомида қиздирилди. 30 дақиқадан сўнг аралашмани 5000 айл/дақ тезликда центрифугаланди. Чўкма устидаги суюқликни 100-105° С ҳароратда турғун оғирликкача келтирилган қолдик диаметри 40 мм ли ПОР-16 шиша филтри орқали 13-16 кПа босимда вакуум остида филтрланди. Чўкмали филтрни аввал ҳавода кейин 100-105°С ҳароратда турғун оғирликкача куритилди.

Мутлоқ курук хом ашёга нисбатан полисахаридлар миқдорини (X) қуйидаги формула билан ҳисоблаб топилди:

$$X = \frac{(m_2 - m_1) \times 500 \times 100}{m \times 25 \times (100 - W)};$$

бу ерда,